**ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС**

*Бугунги кунда ҳафтасида 30 дан ортиқ юк рейслари дунёнинг 14 та йирик — Сеул, Милан, Шанхай, Москва, Дубай, Алмати, Мумбай, Деҳли, Бангкок, Франкфурт, Брюссел, Вена, Дакка, Истамбул каби шаҳарларига амалга оширилмоқда.*

5 бет

**БОСҚИНЧИЛИКДАН ҚОТИЛЛИККАЧА**

*Марҳуманинг тилла зираги, қўл телефони, уй телефон аппарати ва бошқа жиҳозларни қўлга киритган босқинчилар квартирани тарк этадилар. "Бузоқнинг югургани сомонхонагача", дейишади. Жиноятчилар қисқа вақт ичида ашёвий далиллар билан ушландилар.*

8 бет

# Ҳуқуқ

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 24-yanvar, №4 (837)

Муносабат

*Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис, мамлакатимизда спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқдаки, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар замирида Ватанимиз равнақи, халқимизнинг порлоқ келажагига дахлдор юксак эзгу мақсадлар мужассам.*

## Шода-шода медаллар

### булар имкониятлар мевасидир

Бугун спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланаётган ҳар бир боланинг келажакда профессионал спортчи бўлиши ҳаётий ҳақиқатга тўғри келмайдиган воқеликдир. Бироқ, соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида спорт келгусида қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг беқиёс аҳамиятини англаб олиш қийин эмас.

Бу борада вилоятимизда ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, фақат тарғибот-ташвиқот қилишнинг ўзи билангина болани спортсевар қилиб тарбиялаб бўлмайди. Болаларга спортнинг ўзи истаган тури билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратиб бериш кўзланган мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биргина вилоятимизнинг ўзида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида 137 та спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилгани, улар замонавий спорт анжомлари ҳамда жиҳозлари билан таъминлангани мамлакатимизда бу соҳага қаратилаётган катта эътибор, амалга оширилган ишлар кўлами ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун кифоя қилади.

Жумладан, Юртбошимизнинг 2012 йил 13 февралдаги 1704-сонли Қарори билан тасдиқланган дастур асосида ўтган йилнинг ўзида 13 та объект фойдаланишга топширилди. Косонсой ва Уйчи туманларида 2-намунавий лойиҳа асосида қурилган болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Чортоқ ва Чуст туманларидаги реконструкция қилинган шундай муассасалар, Норин, Чортоқ, Косонсой, Тўрақўрғон, Наманган, Уйчи, Янгиқўрғон туманларидаги бир қатор умумтаълим мактаблари учун қуриб берилган спорт заллари, Учқўрғон туманидаги 10-умумтаълим мактабининг мукаммал таъмирланган сузиш ҳавзаси, Янгиқўрғон туманида таъмирдан чиқарилган 21-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шулар жумласидандир. Мазкур бунёдкорлик ишларига республика жамғармаси ва вилоятдаги ҳомийлар маблағидан 11 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Шунингдек, ҳозирда республика ҳукуматининг 2012 йил 20 апрелдаги йиғилишининг 65-баённомасига асосан, манзилли дастурга киритилган Мингбулоқ туманидаги 12-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг стадиони иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан мукаммал реконструкция қилинмоқда. Айни пайтда жамғарма томонидан барпо этилиб, фойдаланишга топширилган муассасаларни спорт анжомлари, ўқув жиҳозлари, мусиқа асбоблари ҳамда бошқа зарур воситалар билан таъминлаш устида иш олиб бориляпти.

Таъкидлаш жоизки, яратилаётган бундай шарт-шароит ва кенг имкониятлар спортчи ёшларимизнинг нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсда эътирофга молик ютуқларга эришишида, катта спортга дадил кириб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти. Вилоят бўйлаб шаҳар ҳамда туманлардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг кўплаб тарбияланувчилари ўтган йилнинг ўзида қўлга киритган натижалар фикримизга далил бўла олади.



/Давоми 6-бетда/

Бош прокуратурада

## Ҳамкорлик давом этади



*Жорий йилнинг 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров томонидан Ўзбекистонга расмий ташриф доирасида бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ламберто Занниер бошчилигидаги делегация қабул қилинди.*

Меҳмонларга давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолиги остида мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Делегация аъзолари прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, унинг тизими, вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари, шу жумладан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти билан таништирилди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари бўйича Координатори билан турли йўналишларда унумли ҳамкорлик амалга оширилаётганлигини қайд этиб, одам савдоси ва ноқонуний миграция, коррупция, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш, уларнинг олдини олиш борасида прокуратура ва бошқа давлат тузилмаларининг фаолият самарадорлигини яхшилаш учун кўмаклашишга қаратилган қўшма лойиҳалар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Хусусан, биргаликдаги фаолият давомида ЕХҲТ лойиҳалар бўйича Координатори томонидан Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида сезиларли кўмак кўрсатилиб, Комиссиянинг ишчи гуруҳи ҳамда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ресурс маркази компьютер-техника воситалари, адабиёт билан таъминланди. Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг "Эгмонт" Гуруҳи (молиявий разведка бўлинмаларининг халқаро ташкилоти)га аъзо бўлишига оид масалани ҳал қилишга катта ҳисса қўшилди, шунингдек уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида долзарб мавзулар бўйича қатор ўқув тадбирлари ўтказилди.

Томонларнинг конструктив алоқаларни давом эттиришдан ўзаро манфаатдорлигини инобатга олиб, учрашув иштирокчилари келажакдаги ҳамкорликнинг истиқбол йўналишлари, шу жумладан биргаликдаги лойиҳа ишларини муҳокама қилдилар.

Ташриф якунида ЕХҲТ Бош котиби Л.Занниер мазкур учрашув ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, мамнуният изҳор этди ва Бош прокуратурада кўрсатилган илиқ қабул учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**Бош прокуратура матбуот хизмати**

Жараён

## Ёшларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари

### уни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

*Ахборот жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг асосий ресурси сифатида намоён бўлаётган бир шароитда ўз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали технологияларни ишлаб чиққан давлатгина барқарорликка эришади. Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланиб бормоқда. Шунинг баробарида, ахборот узатиш тизими ҳам кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Шунга қарамасдан, ахборот тарқалиши жараёнида нафақат ижобий, балки зарарли, ёт ғоялар оқимининг ҳам кириб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.*

Эътироф этиш керакки, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши учун зарур бўлган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими шакллантирилган. Хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига ҳамоҳангдир. Ушбу қонун ҳужжатлари вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун хизмат қилиб келмоқда.

Лекин, ахборот маконида турли таҳдидлар бор экан, келажагимиз ворисларининг эртанги тақдирини ўйлаб, ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бир сўз билан айтганда, уларни мустақил фикрлайдиган, ахборотни фарқлай оладиган инсонлар бўлиб етишишида олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янада кучайтириш билан бирга, ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, турли носоғлом ғояларга қарши ҳаракат тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Айтиш жоизки, 2012 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунда ўз аксини топган меъёрлар айнан шу мақсадга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

/Давоми 3-бетда/

*Прокуратура органларига қилинган фуқаролар мурожаатларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ҳамда юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, қонунийликни таъминлаш ҳақида"ги буйруғи дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.*

# Уй-жой эгаларининг ҳуқуқи тикланди

Жеткер ЎТЕПБЕРГЕНОВ,
Шуманай туман прокурори

Ўтган йил туман прокуратурасига 140 тадан ортиқ ариза ва шикоятлар келиб тушди. Улар ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, қонуний ҳал этилишига эришилмоқда. Шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида битта қарорга протест келтирилди. Қонунбузилишига йўл қўйган 4 нафар шахс огоҳлантирилди. Туман судига эса мавжуд қарзларни ундириш учун 3 та даъво аризаси киритилди. Қўпол қонунбузарликка йўл қўйганлар устидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Кейинги йилларда республикамизда фуқароларимизни имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминлашга катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада туманда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, маҳаллий аҳолини турар жой билан таъминлашга жиддий киришилди. Ҳудудимизда намунали уйлар "Ақ Жап" овул фуқаролар йиғинидаги "Давлатбой" қишлоғида қурила бошлади. Бу ерда бунёд этилиши режалаштирилган 5 та турар жойни қуриб фойдаланишга топширишни "Нукус ЭКСавто" масъулияти чекланган жамияти ўз зиммасига олди. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қорақалпоғистон филиали билан шартнома имзолаган МЧЖ раҳбарияти 349 миллион 975 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариши керак эди. Шундай ҳам бўлди. Уйларнинг калити эгаларига топширилди. Бироқ, уй эгалари Б.Ниятуллаева, С.Қалжонов, О.Пирекеева ва О.Абдурейимовлар уйларнинг қурилиши ниҳоятда сифатсиз, чала бажарилганлиги ҳақида прокуратурага мурожаат қилдилар. Уларнинг эътирозлари ўрганилганда, шикоятчиларнинг ҳақ эканлиги маълум бўлди. Қурилиш ишларига йўналтирилган маблағларнинг 15 миллион сўми МЧЖ томонидан талон-торож қилиниб, уйлар лойиҳадагидек қилиб эгаларига топширилмагани аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича жамият раҳбари Ерканбой Давлатовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Келтирилган зарар ундирилиб, уй-жой эгаларининг ҳуқуқлари тикланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш нафақат прокуратуранинг вазифаси, балки ҳар бир масъул идора уларга бефарқ бўлмаслиги керак.

# Қонунбузилишлар бартараф этилмоқда

А.АБДИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи

*СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгилаб берилган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда солиқ интизомини таъминлаш, вақтида тўланмаган тўловлар, давлатга етказилган зарарни ундириш, ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётганларга чоралар кўриш, солиқ тўлашдан бош тортиб, даромад қилаётган шахсларни аниқлаш, акциз солиғи солинадиган товарларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда валютага оид жиноят ва ҳуқуқбузилиши ҳолатларига қарши курашиш мақсадида 2012 йилда ўтказилган тадбирлар натижасида жами 5 млрд. 151,4 млн. сўм маблағ давлат бюджетига туширилди.*

Фуқароларнинг ҳамда давлат ва барча мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун билан кафолатланган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар доирасида бошқарма томонидан ўтган йилда 270 дан ортиқ текшириш ўтказилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг 256 таси бўйича жиноят ва 16 таси бўйича маъмурий ишлар қўзғатилиб, 756,3 млн. сўмлик ноқонуний муомалага киритилаётган товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ўтказилган тафтишлар натижасида бюджетга 1 млрд. 479 млн. сўмлик қўшимча солиқ ва 175,2 млн. сўмлик молиявий жарималар ундирилди.

Бошқарма томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида 391 та хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлари қайта йўлга қўйилиб, 667 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ишлаб чиқарилишда даромадларини яширган, сотилган маҳсулотлари ҳажмини пасайтириб кўрсатган, яъни "хуфиёна иқтисодиёт" билан шуғулланган тадбиркорлик субъектлари аниқланиб, уларга барҳам бериш борасида зарур чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Жумладан, 59 та ҳолатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан турли жойларда ноқонуний фаолият кўрсатаётган яширин цехлар аниқланиб, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилди ҳамда улардан 133,8 млн. сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ва ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган тадбирларда 39 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Бундай ҳуқуқбузарлик ҳолатлари 24 млрд. 468,7 млн. сўмлик ноқонуний товар пул айланмалари амалга оширилишига олиб келган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида алкоголли маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчилар тўлиқ назоратга олинган. Бошқарма томонидан мазкур соҳа бўйича 8 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Уларнинг 6 таси бўйича жиноят иши ва 2 таси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилиб, 38,4 млн. сўмлик алкоголли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Божхонага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида ҳам бир нечта тадбирлар ўтказилди. Хусусан, ички бозорларимизни божхона қоидаларини четлаб, айланма йўллар билан кириб келаётган маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган тадбирларда 14 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди ва ҳуқуқбузарлардан 217,5 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

# Вазифалар белгилаб олинди

Олимжон КАМИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси катта инспектори

*Жорий йилнинг 18 январь куни СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Навоий вилоят бошқармасида 2012 йилда амалга оширилган ишлар якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Мажлисда бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимларига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, 2012 йил давомида муайян ишлар амалга оширилганлиги, асосий эътибор фуқароларнинг қонуний эркинликларини таъминлашга, жамият ва давлат манфаатларини, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилганлиги эътироф этилди. Шунингдек, ўтган йилда эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим соҳаларда юклатилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлашда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида 2013 йилга белгиланган вазифаларнинг бажарилишини тўлақонли таъминлаш ва ўтган йилдаги камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан бошқарма ходимларига аниқ топшириқлар берилди. Бу борада профилактик ва тушунтириш ишлари кўламини янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ишларини изчиллик билан давом эттирган ҳолда, "хуфиёна иқтисодиёт"га барҳам бериш, давлатга етказилган зарарни тўлиқ ундириш чораларини янада кучайтириш ҳамда барча соҳалардаги ишларни талаб даражасига келтириш лозимлиги қайд этилди. Мажлисда юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилинди.

# Фаолияти қонунийлаштирилди

Баҳром АБДУКАРИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сергели туман бўлими инспектори

*Халқимизда "Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич" деган гап бор. Уни бугунги кунимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларга нисбатан қўлласа ҳам хато бўлмайди. Бунинг маъноси шуки, ҳалол, пешона тери эвазига даромад топаяпсанми, демак, унинг манбаини яшириб ўтирма.*

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун етарлича шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар мавжуд. Буни тушунган, қадрига етган ишбилармонлар самарали меҳнат қилиб, ҳам ўзига, ҳам элюртга кун сайин кўпроқ наф келтирмоқда. Аммо тадбиркорлик моҳиятини умуман бошқача тушуниб фаолият юритаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас.

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сергели туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текшириш давомида Шайхонтоҳур туманида жойлашган Оқилон маҳалласи, Балиқчи кўчаси 47-уйда яширин тикувчилик цехи ташкил этилгани аниқланди.

Маълум бўлишича, фуқаролар М.Юсупова ва Ш.Бекмуродовалар (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) тадбиркор сифатида тегишли тартибда рўйхатдан ўтмай туриб, тикув цехини ташкил этган ва ноқонуний равишда фаолият юритиб келганлар. Текширув жараёнида 10 млн. сўмликдан ошиқроқ баҳодаги ускуналар ва тайёр маҳсулотлар ашёвий далил сифатида вақтинча олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, туман прокуратурасига юборилди ва тергов натижаси бўйича суд ҳукми билан айбдорларга қонуний жазо тайинланган. Аммо шу билан барчаси якун топгани йўқ. Тадбиркорлик қонуний бўлиши шарт эканлигини тушуниб етган М.Юсупова ва Ш.Бекмуродовалар ариза билан мурожаат этиб, қонуний фаолият юритиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам сўрадилар.

Кўрсатилган амалий ёрдам натижасида фуқаро Ш.Бекмуродова туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан якка тартибдаги тадбиркор гувоҳномасини олиб, ўз фаолиятини қайтадан бошлади. 2 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

# Ёшларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари

## уни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

**Ҳафиза КАРИМОВА,**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати



*/Давоми. Бошланиши 1-бетда/*

Маълумки, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган қоидаларга мувофиқ, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб этувчи барча хатти-ҳаракатлар тақиқланган. Ушбу меъёрни янада такомиллаштириш ва аниқлаштириш мақсадида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги, яъни 189-1-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, республика ҳудудига олиб кириш, тарқатиш ва реклама қилиш, шунингдек, намойиш этиш ҳам тақиқланади. Бу хатти-ҳаракатни содир этган шахсларга нисбатан кодекснинг 189-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ва барча воситалар мусодара қилиниши белгилаб қўйилди.

Ҳуқуқбузарликлар ва маънавий ахлоқимизга зид жиноятлар содир этган шахслар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ахборот асри деб ном олган даврда долзарб вазифа ҳисобланади. Дарҳақиқат, Жиноят кодексининг 130-моддаси такомиллаштирилиб, янги таҳрирда берилган. Унга асосан, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш ва намойиш этиш билан боғлиқ ҳаракатларга нисбатан жазо чораларининг кучайтирилди. Зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи ҳаракатлар ва уларни содир этиш бўйича жавобгарликнинг аниқ белгиланмаганлиги ўз навбатида жиноятларни аниқлаш ва жазолаш жараёнларига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Амалиётда учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида янги, яъни 130-1-модда киритилди. Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Халқаро конвенцияга қўшилганлиги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қатор ҳуқуқий қоидаларнинг такомиллаштирилганлиги муносабати билан ушбу модда юқоридаги ҳолатлар бўйича жавобгарликни назарда тутувчи норма билан тўлдирилди.

Шунингдек, ана шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазосининг белгиланиши, албатта, бу турдаги жиноятларнинг камайишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек, уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш эса уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо белгиланиши баркамол авлод келажагининг ҳуқуқий кафолатидан далолат беради.

Шунингдек, ҳозирги кунгача "порнографик маҳсулот нима", деган саволга қонунчилигимизда аниқ жавоб, яъни ҳуқуқий тушунча йўқ эди. Шу боис кодекснинг "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси" берилган саккизинчи бўлими "порнографик маҳсулот" ҳамда "зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот" тушунчалари билан тўлдирилди. Натижада ушбу соҳадаги муносабатлар учун янада аниқлаштирувчи қоидалар мустаҳкамланди. Бу моддага кўра, бадиий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот ҳисобланиши белгиланган. Бу тушунчаларнинг киритилиши, биринчидан, айнан шундай жиноий ҳаракатларни ёки маъмурий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортишни осонлаштирса, иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириб, қонун ҳужжатларининг амалиётда тўғри қўлланилишини таъминлайди.






# Прокуратура ёрдам берди

*Асли касбим ҳамшира. Беруний туманидаги Махтумқули ОФЙда яшайман. Тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишим сабаб 2011 йил март ойидан бери якка тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Шундай бўлса-да, савдо-сотиқ дўконим бўлишини жуда орзу қилганман. Юртимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан янада руҳланиб, фаолиятимни кенгайтириш мақсадида савдо дўкони очишни мақсад қилдим. Бунинг учун ОФЙ раиси ва туманнинг бир қанча раҳбарларига дўкон қуриш режам ҳақидаги фикрларимни айтиб, мурожаат қилдим. Бироқ, ҳеч қандай натижа бўлмай, фақат овора бўлганим қолди.*

*Тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши тўғрисида кўп эшитганим боис, Беруний туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилдим. Мурожаатим туман прокуратураси томонидан назоратга олиниб, дўкон қуриш учун ер майдони ажратиб берилишида ва мазкур қурилиш учун аввал мурожаат қилганим банкдан етарлича кредит маблағи олишимда амалий ёрдам кўрсатилди.*

*Прокуратура ходимларининг берган тушунтиришлари ва ёрдамлари билан олинган кредит маблағининг бир қисмини қурилиш ишига, бир қисмини савдо-сотиқ ишлари учун ажратдим. Энг қувонарлиси, 2012 йилнинг май ойида "Санжарбек-Акбарбек" хусусий корхона ташкил қилдим. Янги йил арафасида эса савдо дўконим қуриб битказилди. Ҳозирда бино ичида тикувчилик цехи, сартарошхона ҳамда пайнет ишлаб турибди.*

*Мен каби айрим тўсиқларга учраётган, тадбиркорликни энди бошламоқчи бўлган ишбилармонларга ўз вақтларини аямай қонуний йўл-йўриқларни тушунтириб келаётган прокуратура ходимларига "Ниқиқ" орқали ўз миннатдорчилигимни билдираман. Уларга раҳмат айтган ҳолда бундан кейинги ишларига ривож, ўзларига сиҳат-саломатлик тилайман.*

**Навбаҳор АБИЛОВА,**
тадбиркор

**Тадбир**

***Бухоро вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

# Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши

**Х.ҲАСАНОВ,**
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, туман-шаҳар прокурорлари, ички ишлар бўлими бошлиқлари, давлат бошқаруви органлари, Халқ таълими, ўрта-махсус ва касб-ҳунар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамоат фонди вилоят бўлимлари ва тегишли соҳа раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда 2012 йилда қонунийлик, жиноятчиликка қарши кураш, одам савдоси жиноятларининг олдини олиш, фош этиш ва профилактика қилиш натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгашда жиноятларнинг айрим турлари ортганлиги криминоген вазиятга таъсир кўрсатиши мумкинлиги, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган режа бўйича ҳамкорликда кенг кўламли ва ҳар томонлама комплекс чоралар кўриш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Асосий эътибор фуқаролар тинчлигини ва фаровонлигини, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан кенг жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, муқаддам судланганлар, ўқимасдан, ишламасдан юрганлар, вояга етмаганлар ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш, улар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолларига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозимлигига қаратилди.

Амалга оширилган ишлар билан бирга, ҳудудларда жиноятчиликнинг олдини олишнинг комплекс чоралари кўрилмаётганлиги таъкидланди ва унинг олдини олиш масалалари барча шаҳар ва туманларда муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланганлиги инобатга олинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Бухоро вилоят прокурори Б.Деҳқонов раислигида ўтказилган йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва соҳада фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

# Нефть маҳсулотларининг сақланиши прокурор назоратида



*Бош прокуратура томонидан "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги "Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси таҳлил қилинди.*

**Акрам ЭРКАЕВ,**
Бош прокуратура бўлим катта прокурори

Таҳлиллар, "Ўзнефтмаҳсулот" АК тизимидаги корхоналар фаолияти устидан идоравий назорат ва ички ижро интизомининг бўшаштириб юборилганлиги, компания ва унинг қуйи тизимидаги корхоналарнинг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик билан қараганлиги, нефть маҳсулотлари сақланиши ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида айрим мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан турли суиистеъмолчиликлар ва ўзлаштириш каби ҳолатларнинг кенг тарқалганлигини кўрсатди. Жумладан, "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясида нефть маҳсулотларининг сақланиши таъминланмаганлиги оқибатида тизимдаги корхоналарда 2012 йилда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ажратилган 399 млн. сўмликдан ортиқ 442 тонна нефть маҳсулоти талон-торож қилинган.

Хусусан, "Навоийнефтбаза" унитар корхонасига қарашли Кармана туманидаги 1-сонли ФЁТШ мансабдорлари 46,7 млн. сўмлик, "Навоийнефтбаза" унитар корхонаси моддий жавобгар шахслари 42,3 млн. сўмлик, "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" омбор мудири М.Мардонов ва бошқалар 24 млн. сўмлик, Гулистон туманидаги 72-сонли ФЁТШ мансабдор шахслари 10,4 млн. сўмлик, 97-сонли ФЁТШ мансабдор шахслари 10 млн. сўмлик, 31-сонли ФЁТШ мансабдор шахслари 9,1 млн. сўмлик, "Навоийнефтбаза" унитар корхонасига қарашли Қизилтепа филиали мансабдор шахслари 8,6 млн. сўмлик, Ёзёвон туманидаги 30-сонли ФЁТШ мансабдор шахслари 6,8 млн. сўмлик ва "Қўқоннефтбаза" унитар корхонасига қарашли 38-сонли ФЁТШ мансабдор шахслари 2,2 млн. сўмлик дизел ёқилғисини талон-торож қилишган. Шу каби, нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатлари "Урганчнефтбаза" унитар корхонасига қарашли 46-сонли ФЁТШ ҳамда "Тахиатошнефтбаза" унитар корхонасига қарашли Чимбой филиалида ҳам аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда нефть маҳсулоти сотишнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлса-да, ушбу маҳсулотларни республикамиз сарҳадларидан ташқарига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари ҳам маълум бўлди.

Хусусан, ўтказилган тадбирларда 123 тонна нефть маҳсулотини республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари аниқланиб, 206 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилган. Жумладан, Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Юсупов нефть корхоналаридан олинган 3,7 млн. сўмлик нефть маҳсулотини Қирғизистон Республикасига ноқонуний равишда олиб ўтишга уринаётганида ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Шу каби, Фарғона тумани, Гулшан ҚФЙда яшовчи С.Абдуллаева, С.Қодиров кўчасида яшовчи К.Тўхтаматов, Бекобод шаҳар, Тожикистон 2-тор кўчасида яшовчи А.Нурмаҳмедовлар нефть маҳсулотларини Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларига олиб ўтаётганида ушланганлар. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланган.

Айрим нефть корхоналари томонидан эса фермер хўжаликларига реализация қилинаётган нефть маҳсулотларини камомад билан етказиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Масалан, "Андижоннефтбаза" унитар корхонаси Шаҳрихон филиалига қарашли 13-сонли ФЁТШ бош оператори К.Қобулов шудгорлаш учун фермер хўжаликларига ажратилган дизел ёқилғисини тарқатиш даврида ҳар 20 литр ёқилғидан 0,100 литр кам қуйиб, фермер хўжаликлари манфаатига жиддий зиён етказган. Ушбу ҳолат юзасидан айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Тизим корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2012 йилда ғўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 14 августдаги Қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Қарор билан "Ўзнефтмаҳсулот" компаниясига етарли миқдорда ёнилғи-мойлаш материаллари заҳирасини яратиш ва ғўза дефолиацияси даврида пуркагич ва самолётларга белгиланган тартибда узлуксиз етказиб беришни ташкиллаштириш юклатилган бўлса-да, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 52 тонна нефть маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013 йил ҳосили учун шудгорлаш ишларини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан компанияга юклатилган вазифалар ҳам тўлақонли бажарилмаган. Биргина ушбу тадбирга масъул ходимларнинг айби билан 5.975 тонна нефть маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган.

Шу билан бирга, республика бўйича 334 минг гектар майдонни ғўзапоядан тозалаш учун талаб этиладиган 1.569 тонна нефть маҳсулотининг ажратилмаганлиги ҳам шудгорлаш ишларининг муддатида якунланишига салбий таъсир кўрсатган.

Шунингдек, "Ўзнефтмаҳсулот" АК тизимида тўлов интизомига оид қонун ҳужжатларининг ижроси ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига олдиндан тўловсиз нефть маҳсулотлари етказиб берилиши оқибатида 2013 йил 1 январь ҳолатига тизимда муддати ўтган дебитор қарздорлик 299 млрд. сўмни ташкил қилган.

Энг ачинарлиси, суд ижрочилари бўлимига дебитор қарздорликлар бартараф этилганлиги ҳақида айрим мансабдор шахслар сохта ҳужжатлар тақдим этиб, ушбу қарздорликларнинг ундирилмасдан қолинишига сабабчи бўлганлар.

Масалан, "Андижоннефтбаза" унитар корхонаси мансабдор шахслари 14 та фермер хўжаликларининг 87 млн. сўмлик қарзлари ундирилмаган бўлса-да, қарздорлик тўлиқ бартараф этилганлиги ҳақида суд ижрочилари бўлимига сохта маълумотлар тақдим этишган.

Мазкур ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Ушбу йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 41 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 2 та протест келтирилиб, прокурорларнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 292 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 5 млн. сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди. Судларга 153 млн. сўмлик зарарни ундириш бўйича 21 та ариза киритилди. 188 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Шунингдек, жиддий қонунбузилишлар юзасидан 11 та жиноят иши қўзғатилди.

*Фуқаро бирор-бир давлат идораси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига мурожаат қилар экан, аввало қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига ишонч билдиради. Шу маънода, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ариза, шикоят ва таклифларнинг мақсади, уларни давлат идораларига бериш тартиби билан бирга уларни кўриб чиқиш тартиби, мурожаатларга эътиборсизлик учун жавобгарлик масалалари аниқ белгилаб берилган.*

# Мурожаатлар эътиборсиз қолмасин

**Нурали ИСРОИЛОВ,**
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома ижроси юзасидан Навоий вилоят прокуратураси органларининг 2012 йил давомида амалга оширган фаолияти ўрганилиб, умумлаштирилди.

Аниқланишича, 2012 йил давомида вилоят прокуратураси органларига фуқаролар ва юридик шахслардан жами 3882 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 203 тага ёки 4,7 фоизга камайган. Улардан 1398 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, шундан 117 таси қаноатлантирилган. 2453 та ариза ва шикоят ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга юборилган. 35 таси аноним деб топилган ҳамда 172 та мурожаат жиноят иши ва материалларга қўшилган.

2012 йилда вилоят бўйича ҳамда бевосита маҳкамага келиб тушган ариза ва шикоятлар сони сезиларли даражада камайган бўлсада, бу кўрсаткич баъзи ҳудудларда кўпайган.

Қайд қилинган даврда вилоят прокуратураси органлари томонидан мурожаат қилган фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш борасида маълум ишлар амалга оширилган.

Масалан, фуқаро А.Джабборов ва бошқаларнинг Кармана туманидаги "Любатон" массивида намунали уй-жойларнинг қурилишида пудратчи ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақидаги аризаси мутахассислар иштирокида ўрганилганда, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси вилоят филиали билан "Навоий тож қурилиш сервис" хусусий корхонаси ўртасида 2010 йил 1 декабрда тузилган 19-сонли шартномага асосан, қурилиш ташкилоти томонидан массивда 5 хонали 13 та намунали уй қурилганлиги, аммо 3 млн. сўмлик ишлар сифатсиз бажарилиб, бажарилмаган 49 млн. 200 минг сўмлик қурилиш ишлари қўшиб ёзилиб, ушбу маблағлар талон-торож қилинганлиги аниқланган. Пудратчи ташкилот "Навоий тож қурилиш сервис" хусусий корхонасининг мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга жазо муқаррарлиги таъминланган.

Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан эса фуқаро Л.Ҳасанованинг пенсия пулларини ололмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тўғрисида"ги Низомнинг 35-банди талаби бузилиб, Л.Ҳасановага 2012 йилнинг июнь ойи учун тўланиши лозим бўлган 595 минг 978 сўм миқдоридаги пенсия пуллари тўлов ведомостига киритилмасдан қолдирилганлиги аниқланган. Шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан ушбу камчилик бартараф қилиниб, Л.Ҳасанованинг ҳуқуқи тикланди.

Шунингдек, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг шаҳар бўлими ходимлари томонидан нафақасининг 10 фоизи ушлаб қолинаётганлигидан норози бўлиб, ариза ёзган фуқаро С.Гаджиеванинг мурожаати ўрганилганда, жамғарма ходимлари томонидан 2011 йилнинг октябрь ойидан 2012 йилнинг январь ойига қадар муаллифнинг розилигисиз нафақасидан асоссиз ушлаб қолинганлиги аниқланган. Навоий шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан нафақа пулларининг С.Гаджиевага тўланиши таъминланиб, хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган жамғарма бош ҳисобчиси Л.Ҳапизов интизомий жавобгарликка тортилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

Жумладан, "Кармана Тонг" хусусий корхонаси раҳбари А.Юсуповнинг ишонч телефони орқали қилган мурожати Навоий шаҳар прокуратураси томонидан ўрганилиб, ОАТБ "Турон банки" вилоят филиалидан А.Юсуповга дивиденд тўлови учун 1600,0 минг сўм нақд пул олиб берилиши таъминланган.

Нурота туман прокуратураси томонидан эса фуқаро Н.Нормуродованинг Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Қосимов ундан қарзга пул олиб, бермаётганлиги ҳақидаги аризаси ўрганилиб, Б.Қосимовдан унинг фойдасига қарзни ундириб бериш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритилган ва суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъво ариза қаноатлантирилган.

Шунингдек, келиб тушган ва ҳал қилинган барча мурожаатлар бўйича қонунда белгиланган ҳамда назорат муддатларида муаллифларга асослантирилган жавобларнинг берилиши таъминланган.

Ҳар бир ариза ва мурожаат ортида инсон тақдири туради. Шу сабабли, уларга ҳеч ким лоқайд бўлмаслиги шарт.

UZBEKISTAN airways

*28 январь — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил топган кун*



***Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак, улуғ мақсадлар йўлида улкан ислоҳотлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон фуқаро авиацияси соҳасида ҳам ўтган йигирма йиллик тараққиёти давомида улкан ва шарафли йўл босиб ўтилди. Хусусан, фуқаро авиациясини ривожлантириш бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлиги янада кенгайтирилди ва алоқалар мустаҳкамланди. Шунингдек, авиация хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, авиация техникасига сифатли хизмат кўрсатишда энг илғор технологияларни кенг қўллаш, қолаверса, малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор эътироф этиб келинмоқда.***

# Жаҳон андозаларига мос

**Эркин ҲАЙИТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

Маълумки, Президентимизнинг 1992 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони билан юртимизда ушбу йўналиш бўйича ишончли, хавфсиз, замонавий ва юқори даражада сервис хизматлари кўрсатувчи мустаҳкам тизимга асос солинган эди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси авиаташув паркларининг босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида "Ил-62", "Ил-86", "Ту-154", "Як-40", "Ан-24" каби эски русумдаги самолётлар ўрнини дунё авиасаноатида етакчи ҳисобланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган, халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб берадиган, ҳар жиҳатдан қулай ҳаво лайнерлари эгаллай бошлади.

Миллий авиакомпаниямиз рамзи туширилган биринчи замонавий "А-310" самолёти 1993 йилнинг июнь ойида парвозини бошлаган бўлса, кейинчалик авиакомпания парклари "В-767-3ER", "В-757-200", "В-767-300ER", "А-320", "RJ-85" ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган ва маҳаллий шароитларга мос "Ил-114-100" сингари самолётлар билан бойитилди.

Мамлакатимизнинг барча аэропортлари модернизация қилинди, жаҳон андозаларига мос учиш ва қўниш майдони, йўловчилар перрони, аэродром каби объектлар ҳамда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган аэропортлар тармоғи барпо этилди.

Авиакомпаниямиз таркибида Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган, сўнгги авлод авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш Маркази фаолият юрита бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу Марказнинг хизматидан 320 та хорижий авиакомпания ўз самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатишда кенг фойдаланмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, шунингдек йилига қарийб 75 минг транзит йўналишнинг ҳаво ҳаракатларини бошқармоқда. Бу эса Ўзбекистон авиацияси халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлаётганлигидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 декабрдаги "Навоий шаҳри аэропорти негизида халқаро логистика интермодал марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, Навоий шаҳри аэропорти негизида халқаро интермодал логистика маркази ташкил этилди.

"Навоий" халқаро аэропорти Марказий Осиё юрагида жойлашган янги логистика маркази бўлиб, у Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиё мамлакатларининг марказида ҳамда Франкфурт, Милан, Дубай, Ҳиндистон, Шанхай ва Инчёндаги дунёнинг йирик авиация тармоқларидан 6 соатлик парвоздан кам бўлмаган масофада жойлашган. Ҳозирда у Европа ва Осиёни боғлаб турувчи янада рақобатбардош ҳудудий логистика марказига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ҳафтасида 30 дан ортиқ юк рейслари дунёнинг 14 та йирик — Сеул, Милан, Шанхай, Москва, Дубай, Алмати, Мумбай, Деҳли, Бангкок, Франкфурт, Брюссел, Вена, Дакка, Истамбул каби шаҳарларига амалга оширилмоқда.

1993 йилнинг 7 майида Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул қилинган бўлиб, у фуқаро авиацияси соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, ушбу кодекснинг қабул қилиниши мамлакатимиз авиациясининг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, Ўзбекистон авиация соҳасидаги бир қатор халқаро шартномаларга, хусусан Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Халқаро ҳаво йўлларида транзит тўғрисидаги Битим (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Ҳаво кемаларига ҳуқуқларнинг халқаро тан олиниши тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1948 йил 19 июнь), Ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенция (Варшава, 1929 йил 12 октябрь) ва унга қўшимча протоколларига қўшилган бўлиб, мамлакатимиз мазкур халқаро шартномалар талабларига амал қилиб келмоқда.

Айни пайтда фуқаро авиацияси тараққиётининг замонавий тенденциялари мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш заруратидан далолат бермоқда. Ушбу зарурат Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Комиссиясининг тавсияларида ҳам назарда тутилган эди.

Шу боис, қонун ижодкорлари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тайёрланиб, ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида 2012 йил 21 июнда қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланди ҳамда 2012 йилнинг 28 сентябрида расман матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 23 та моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, шу билан бирга, кодекс 2 та янги модда билан, яъни ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш масалаларини тартибга соладиган 37-1-модда ва йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини белгилайдиган 92-1-модда билан тўлдирилди. Хусусан, 37-1-моддага кўра, ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан берилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати асосида бажарилади. Ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини бериш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўз навбатида, 92-1-моддада эса, йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ҳаво кемаси командири ёки экипажи аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва ҳаво кемаси ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулки бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажариши шартлиги, шунингдек, йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан белгиланиши ифода этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси тўққизта моддасининг (54, 100, 103, 104, 106, 108, 109, 112, 115-моддалари) матни янги таҳрирда баён этилди. Жумладан, ушбу ўзгартишлар орқали кодекснинг: самовий ҳудудни таснифлаш; ҳаво кемасида жой банд қилиб қўйиш; ҳаво транспортида ташиш шартномасини ташувчининг ёки йўловчининг ташаббуси билан бекор қилиш; юкнинг ёки қўл юкининг олинмаслиги ва кечикиб олиниши; ташишнинг ахборот-реклама таъминоти; ҳаво транспортида ташишни таъминловчи барча хизматларга доир талаблар; ташувчининг масъулиятини тартибга солишнинг умумий принциплари; ташувчининг юкнинг бутлиги учун жавобгарлиги масалаларини тартибга солувчи нормалари такомиллаштирилди.

Айниқса, Ҳаво кодексининг амалдаги учта моддаси (61, 99, 102-моддалари) аэронавигация ва аэропорт йиғимлари, чартер шартномаси ҳамда йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган имтиёзларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни кўзда тутган янги қисмлар билан тўлдирилганлиги қонун ижодкорлигининг муҳим ютуғи десак, муболаға бўлмайди.

Шунингдек, Ҳаво кодекси бешта моддасининг (43, 95, 113, 116, 122-моддалари) айрим қисмларига ҳаво кемасини ижарага беришда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтказилиши қоидалари; ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишларини бажариш қоидалари; йўловчининг ўлими ёки соғлиғига етказилган зарар учун ташувчининг жавобгарлиги; юк, қўл юки, шунингдек йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолиши, камомади ва уларга етказилган зарар учун ташувчи масъулиятининг миқдори ҳамда талаб қўйиш тартиби масалаларига аниқлик киритилди ва улар янги таҳрирда баён этиб берилди.

Қолаверса, кодекснинг амалда бўлган 74, 83 94, 98, 99, 101, 105 ва 106-моддаларига янада такомиллаштиришга қаратилган таҳририй, атамашуносликка оид ўзгартишлар киритилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан мамлакатимизнинг фуқаро авиацияси соҳасини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари халқаро шартномалар нормалари асосида янада такомиллаштирилди. Бу эса ўз навбатида, фуқаро авиацияси хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, жаҳон андозаларига мос равишда авиация техникаларига сифатли хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва фуқаролар эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

# Шода-шода медаллар

## булар имкониятлар мевасидир

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Масалан, Наманган шаҳридаги 3-олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Довудхон Нақибжоновнинг Тошкентда шотакан-до бўйича жаҳон кубоги баҳсларида, яна шу мактаб ёш спортчилари Сабина Осмонованинг енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатида ядро улоқтириш, Лола Жабборова 300 метрга югуриш бўйича, Файбулло Кўчқоров Ангренда бокс бўйича бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида, янгиқўрғонлик Мухлиса Абдумаликованинг Англияда миллий кураш бўйича Жаҳон чемпионатидан кумуш медаллар билан, Роман Александровнинг Филиппинда қиличбозлик бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида, чустлик Бургут Ҳожибоевнинг Россияда ташкил этилган халқаро турнирда, Тўрақўрғондаги 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан Исломжон Ёқубжоновнинг Россияда ёшлар ўртасида белбоғли кураш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатидан олтин медаллар билан қайтгани спортсевар ёшларга яратилаётган шундай имкониятларнинг самарасидир. 2012 йил сарҳисобида турли халқаро мусобақаларда иштирок этган спортчи ёшларимиз томонидан 6 та олтин, 5 та кумуш, 5 та бронза медали қўлга киритилгани қайд этилди.

Шунингдек, болалар спортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш баробарида ёшларни спортга жалб этиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўзининг ижобий натижасини бераяпти. Вилоят прокуратураси, Халқ таълими, касб-ҳунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамоат фонди вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган "Ёзги таътил", "Умид ниҳоллари", "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари" каби кўплаб спорт мусобақалари ўқувчи-ёшларни спортга жалб қилишда яхши самара бераяпти. Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 500 дан зиёд турли мусобақалар ташкил этилди ва уларга 275 минг нафар ёшлар, жумладан, 114 мингдан зиёд қизлар жалб этилди. Мазкур мусобақа ғолибларини тақдирлаш учун 33 млн. сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Умуман олганда, бугунги кунда вилоятдаги 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 373 минг 744 нафар ўқувчининг 31,2 фоизи мунтазам спорт билан шуғулланмоқда ва улар-нинг 44 минг нафарга яқини-ни қизлар ташкил этмоқда.

Мухтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ва ёшларга қанот бағишлаётган бундай бунёдкорлик ишлари "Обод турмуш йили"да ҳам изчил давом эттирилади. Жорий йилда вилоятда янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига яна 13 та иншоот фойдаланишга топширилади. Жумладан, Поп ва Мингбулоқ туманларида болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, Тўрақўрғондаги шундай муассасани реконструкция қилиш, Косонсой, Наманган, Норин, Поп, Чуст ва Янгиқўрғон туманларидаги 7 та умумтаълим мактабида спорт залларини қуриш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида битта вилоятнинг биргина соҳасига шундай катта маблағ йўналтириш, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишда давом этаётганидан, келажакда Ватанимиз бундан ҳам равнақ топиши учун Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг узоқни кўзлаганидан ва қолаверса, ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликдан далолат беради.

Азамат ИКРОМОВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси в.б.
Нилуфар НИЁЗОВА,
«Ниқоб»

# Маҳалла – аҳолининг таянч маскани

*Мустақил Ўзбекистон давлати ўзи танлаган тараққиёт йўлидан борар экан, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб келмоқда. Демократик қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаришлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онги, маданиятини оширишни мақсад қилган кучли ва очиқ фуқаролик институтлари қаторида маҳалланинг ўзига хос ўрни ва нуфузи бор.*

Ёрқиной ВАПАЕВА,
ҳуқуқшунос

Маҳалла халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг ноёб ва таъсирчан тизимидир. Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари орқали аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, қолаверса, маҳаллаларда оилавий бизнеснинг бир нечта турларини йўлга қўйишда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат кенг қамровли вазифаларни ўз ичига олади. Бу борадаги вазифалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан 2010 йилда "Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг имкониятлари ва усуллари" мавзуида ўтказилган тадқиқотлар натижасида бугун маҳаллаларда тадбиркорликнинг 30 га яқин турларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш орқали кўплаб ижтимоий масалаларни ҳал этиш мумкинлиги ва бунда оилаларнинг бевосита фаол ташаббус кўрсатишлари қайд этилган.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллаларда оилавий бизнесни ташкил этиш орқали аҳолининг бандлик даражасини ошириш, оилаларнинг ўз даромад манбаларига эга бўлишларига эришиш, бунда якка тартибдаги меҳнат фаолиятини кенг йўлга қўйиш, ёшларни иш билан таъминлаш каби масалаларда самарали натижаларга эришиш мумкинлигини ўтказилаётган сўров ва тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда.

Жумладан, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан юртимизнинг барча ҳудудларидаги аҳоли қатламлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари, мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланаётганлиги, яъни ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, ҳар олти оиладан бирининг савдо соҳасида меҳнат қилиши, ҳар саккиз оиладан бири ҳунармандчилик ҳамда кундалик эҳтиёж товарларини ишлаб чиқариши ёки барча ҳудудларда яшаётган оилаларнинг учдан бир қисми келажакда ўз оилавий бизнесини йўлга қўйишни исташи ушбу соҳани ривожлантириш имкониятларидан далолат бериб турибди.

Шунингдек, маҳаллаларда фаолияти йўлга қўйилаётган тадбиркорлик тузилмалари, кичик корхоналар аҳоли бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, оилалар даромадларининг ортишига замин яратмоқда.

Бундан ташқари, касаначилик аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 июлдаги "Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрларни бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан мамлакатимиздаги иш берувчи корхоналар ҳамда касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилди. Хусусан, корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан беш йилга озод қилинди. Касаначига корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар фойдаланиш даврида мулк солиғи тўловидан ҳам озод қилинди.

Корхоналар ва касаначилар ўртасида меҳнат шартномаси ҳуқуқий асос бўлган кооперациянинг йўлга қўйилиши ушбу тоифадаги ишчиларнинг ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлайди. Касаначилар меҳнат билан банд бўлган аҳоли тоифасига тааллуқли бўлиб, уларга меҳнат дафтарчаси берилади. Иш вақти пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш учун иш стажига қўшиб ҳисобланади, касаначилар мазкур корхонанинг тўла ҳуқуқли ходимлари ҳисобланадилар.

Мазкур меҳнат тури аҳолининг банд бўлмаган қатламига айниқса ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлашда қўл келаётгани аҳамиятлидир. Хотин-қизларимизнинг аксарияти оиласидан узоқлашмаган ҳолда меҳнат қилишни афзал кўриши-ю, оилавий бюджетга маълум даражадаги ўз ҳиссаларини қўшишлари ҳам мазкур меҳнат турининг нечоғли аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда эса, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш уларга банд бўлмаган аҳолини, хусусан, ёшларни жалб этиш маҳаллардаги кўплаб маънавий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишига замин яратади.

# Хатарли савдо

*Мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимизда инсон омили олий қадрият сифатида эътироф этилди. Ўтган 22 йил мобайнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва инсон ҳуқуқларин самарали ҳимоя қилинаётган демократик давлат сифатида эътироф этилмоқда.*

Неъматжон АСҚАРОВ,
Хонқа туман прокурори ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Ниқоб»

Одам савдосига қарши кураш борасида амалга оширилаётган комплекс тадбирлар демократия ва инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда трансмиллий қилмишга барҳам беришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Қонун асосида одам савдосига қарши курашиш, шу тур жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга барҳам бериш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмоқда. Туманимизда ҳам мазкур қонун ва Республика Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Авваламбор, тарғибот-ташвиқот тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туман прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, ҳокимият вакиллари, зиёлилар, маҳалла оқсоқолларидан иборат тарғибот гуруҳлари таълим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллаларда бўлиб, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг оғир оқибатлари, одам савдоси қурбонларига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам тўғрисида тушунтирмоқдалар. Бу мавзуда мингдан ортиқ плакатлар, 10 мингга яқин буклетлар тайёрланиб, кенг жамоатчиликка етказилиши таъминланди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман ҳокимлиги биносида алоҳида хона ажратилган. Хона шу мавзудаги плакатлар, қўлланмалар билан таъминланган. Одам савдоси жиноятининг олдини олишда бандлик масаласини ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ тергов қилинган жиноят ишлари юзасидан 2008 йилда 19 нафар, 2009 йилда 25 нафар ва 2010, 2011, 2012 йилларда 21 нафар фуқаро жабрланувчи деб эътироф қилиниб, барчаси тиббий кўрикдан ўтказилган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятни содир қилганлар орасида ҳамюртларимизнинг борлиги ачинарлидир. Улар мўмай даромадни инсонийликдан, бағрикенгликдан устун қўймоқдалар, пулни деб қариндошлик риштaларини узмоқдалар. Ана шундайлардан бири 1965 йил Хонқа туманида туғилган Зокир Бобожоновдир. У ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, ўз илму ҳунари билан юрт равнақига улуш қўшиш ўрнига мўмай даромадни кўзлаб одам ёллаш билан шуғулланган. Жумладан, 2011 йил декабрда Хонқа тумани "Қиркёп" қишлоғида яшовчи фуқаролар Зиёдулла Жуманиёзов, Руфат Ботиров, Эргаш Қабулов, Атабой Ботиров, Дониёр Жуманиёзов, Умирбек Эримов, Жамаладдин Эримов, Жўшқин Маҳмудов, Шомурод Раҳматов, Файрат Болтаев, Рўзмамат Пирназаров, Юсуфбой Нурметов, Зафар Бобожонов ва бошқаларни Татаристоннинг Қозон шаҳрига ишлатиш мақсадида олиб кетган. Уларга ойига 1000 АҚШ долларига тенг иш ҳақи, иссиқ овқат ва барча шароитларга эга яшаш жойи ваъда қилган. Қозонга борган эса, рўйхатга қўйиш баҳонасида паспортларини олиб қўйган. Мўмай даромад қиламан, топган пулимга уйимни таъмирлайман, машина оламан деган ниятда Зокирга эргашиб, Қозонга борган 16 йигит кўп ўтмай алданганини билишди. Турли қурилиш ишларини бажарган йигитлар иш ҳақларини ололмай сарсон бўлишди. З.Жуманиёзов ва Ғ.Рўзметов 60 минг Россия рубли, Ж.Маҳмудов 10 565 Россия рубли, Р.Ботиров 32 минг Россия рублини ололмаган. Бу йигитлар орасида Зокирнинг қариндошлари ҳам бор эди.

З.Бобожоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Суд ҳукми билан жиноятчи тегишли жазога тортилди. Жабрланувчиларнинг иш ҳақлари ундириб берилди.

Бугунги кунда одам савдоси ҳақида ОАВ орқали кўплаб мақолалар, теле ва радио эшиттиришлар бериб борилмоқда. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари уюштирилмоқда. Шунга қарамасдан ҳамон айрим инсонларнинг ишонувчанлиги уларнинг одам савдоси қурбонларига айланишларига сабаб бўлмоқда. Бу эса барчамизни яна бир карра огоҳликка чорлайди.

# Яширилган валюта

**Дилмурод РАҲМАТОВ,**
Самарқанд транспорт прокуратураси терговчиси



***Ҳилола Мансурова аввал ҳам Россия Федерациясига ишлаш учун бориб келганди. У бирмунча вақт оиласи бағрида яшади. Сўнгра 2012 йилнинг 24 август куни учадиган "Самарқанд — Санкт-Петербург" йўналишидаги авиарейсга чипта олиб, Россия Федерациясига кетмоқчи бўлди. Ўша куни у Самарқанд халқаро аэропортига келиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган буюм ва моддий қийматликлар бўйича Т-6 шаклидаги божхона декларациясини расмийлаштирди.***

Ҳилола расмийлаштирган декларацияда қўл сумкасида бўлган 3300 АҚШ долларини кўрсатмади. У божхонадан яширин равишда валюта олиб чиқиб кетмоқчи эди. Ўз навбатида божхона пости инспектори Ҳилоланинг нарсаларини юзаки текшириб, уни божхона назоратидан ўтказиб юборди.

Аёл божхона пунктидан ўтиб, аэропортдаги авиация хавфсизлиги хизмати назоратидан ўтиш вақтида унинг қўлидаги қора рангли сумкадан 3300 АҚШ доллари миқдоридаги валюта топилди. Ушбу валюта ноқонуний равишда республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланиб, аёл божхона назорати зонасига қайтариб юборилди.

У божхона назорати пунктига қайтиб келиб, ёнидаги 3300 АҚШ долларидан 1350 АҚШ долларини ўзининг Т-6 шаклидаги божхона декларациясига киритди. Қолган 1950 АҚШ долларини аэропортда танишиб қолган йўловчи У.Амоновнинг номидан тўлдирилган Т-6 шаклидаги божхона декларациясига киритди. Аммо унинг бу ноқонуний хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикасида ушланиб қолишига сабаб бўлди.

Божхона қонун-қоидаларига бўйсунмаган Ҳилола Мансуровага 1 млн. 447 минг 100 сўм жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, ашёвий далил тариқасида олинган 3300 АҚШ доллари давлат эгалигига ўтказилди.

***СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда енгил даромадни кўзлаб, ноқонуний йўллар билан мамлакатимиз ҳудудига спиртли ичимликларни олиб кириб, ички бозорда сотмоқчи бўлган ҳуқуқбузарлар фаолиятига чек қўйилди.***

# Ноқонуний даромад ортидан

**Музаффар УМАРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаменти катта инспектори

Фуқаролар Расулжон ва Шавкат Жамолов, Илҳом Эсонов ҳамда Турғунбой Абдулаевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бундай ножўя ишга қўл уришди. Улар автомашиналаридан сиғими 1,5 литрли 101 дона елим идишларга солинган спирт маҳсулотлари донасини 13 минг 900 сўмдан сотаётган пайтда ушланган. Бу кимсалар ноқонуний савдодан 1 миллион 400 минг сўм фойда олишни кўзлаган экан.

Шунингдек, улар яна 3 млн. 500 минг сўмга яқин алкоголи маҳсулотлар тайёрлашда ишлатиладиган турли корхоналарнинг номи туширилган ёрлиқлар ва пробиркаларни сотишни ҳам мақсад қилишгани маълум бўлди.

Текширишлар натижасида қонунбузарларга тегишли бўлган 150 литрдан ортиқ спирт маҳсулотлари, 5 минг жуфт ёзувли ёрлиқ ва пробиркалар, жами 7 млн. 500 минг сўмликка яқин сифатсиз хомашё ашёвий далиллар сифатида олиб қўйилди.

Департаментнинг ушбу туман бўлими ходимларининг тезкор ҳаракатлари билан яна бир ноқонуний фаолият фош этилди. Жумладан, "Ўзтемирйўлйўловчи" ОАЖга қарашли "Вогрес Сервис" шўъба корхонаси вагон ресторанида ходим бўлиб ишловчи фуқаро Абдуҳамид Туробов хизмат фаолияти давомида чет элдан келтирилган кўп миқдордаги алкоголи маҳсулотларни юртимизга олиб кириб, шериги Ҳамидилло Солихов билан биргаликда ундан ноқонуний фойда олишни режалаштиришган. Ҳажми 0,5 литрли, Ўзбекистон акциз маркаси билан қадоқланмаган маҳсулотларни 38 минг сўмдан жами, 2 млн. 300 минг сўмга сотаётган пайтда Департамент ходимлари томонидан қўлга олинган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

# Ижтимоий ҳимоя — барқарорлик омили

**А.АБДУЖАББАРОВ,**
Бош прокуратуранинг ОЎК бўлим бошлиғи

***Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидланганидек, давлатимиз мустақилликка эришганидан буён юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, дунёдаги ҳар қандай таҳликали ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам мамлакатимизда барқарор ривожланиш тенденцияси сақланиб қолмоқда. Албатта, бунда мамлакатимизнинг ўзига хос салоҳияти ва халқимизнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда танланган ривожланиш йўли катта аҳамиятга эга бўлди.***

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш иқтисодий ислоҳотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бирига, яъни ислоҳотларнинг барча босқичларида устувор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Чунки ижтимоий сиёсат орқалигина шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқишини таъминлашга, оилаларнинг, ҳар бир инсоннинг фаровонлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг кенг мажмуаси амалга оширилади.

Президентимиз томонидан 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берилди. Бу фуқароларимиз турмуш даражасини сифат жиҳатидан янада яхшилаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, унинг замирида юртимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам.

Обод турмуш ғояси давлатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадини кўзлайди. Адолат тамойиллари асосида амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя ўз навбатида жамиятда барқарорлик ва демократик қадриятлар қарор топишига замин яратади.

Ижтимоий ҳимояга оид давлат сиёсатининг самарали ва одилона амалга оширилишини таъминлашда прокуратура органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий ҳимояда қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан биридир.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги белгиланган бўлса, ушбу қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш қайд этиб ўтилган. Прокуратура зиммасига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш устидан назорат юритиш вазифалари юклангани шунчаки тасодиф эмас, зеро барча амалга оширилаётган ислоҳотларга, жумладан, кучли ижтимоий сиёсатни чинакам таъминлашга фақат қонунлар оғишмай амалга оширилган ҳолдагина эришиш мумкин. Шунингдек, қонунлар ижроси устидан назорат соҳаси бутун давлат ҳудудида қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилишини таъминлаш билан бирга жиноий ҳодисалар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини ҳам бажаради.

Бугунги кунда прокуратура органлари ижтимоий ҳимоя соҳасига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Ҳукумат қарорлари ижросини назорат қилишда ушбу соҳада қабул қилинаётган ҳуқуқий актларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш вазифаларини самарали бажариб келмоқдалар.

Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни қўллаш механизмида прокуратура органларининг ўрни фуқаролар, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий маъмурият, барча назорат органлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги қонунларнинг талабларига аниқ ва бир хилда риоя этишларини қатъий назорат қилишда намоён бўлади. Прокуратура органлари давлат бошқаруви соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошира бориб, жамият ва давлат олдида турган фуқаролар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига шароит яратадилар. Бошқача қилиб айтганда, прокурор қонунлар ижроси устидан назорат соҳасида ўз ваколатларини амалга ошира бориб, бошқа орган ва ташкилотлар билан биргаликда ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, миллий ва маданий қурилиш масалаларини ҳал қилади.

Бугунги кунда прокуратура органлари ижтимоий ҳимоя соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича қуйидаги йўналишларда фаолият олиб бормоқдалар; биринчидан, ижтимоий ҳимояга оид бўлган қонунлар ижросини текшириш орқали уларнинг ижросини таъминлаш; иккинчидан, прокуратура органлари аҳолининг ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича уларга келиб тушган мурожаатларни қонун асосида ҳал қилиш билан фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари амалга ошишини таъминлаш; учинчидан, прокуратура органлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига оид бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига хулосалар бериш орқали ижтимоий ҳимоя соҳасига оид бўлган қонунларни такомиллаштириш бўйича тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозирги ривожланиш даврида ижтимоий ҳимоя сиёсатида қонунийликни таъминлаш, инсонларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, қонунбузарликка қарши курашиш ва жамиятда адолатни таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Чунки ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш, унда кучли ижтимоий ҳимоя тамойилини амалга ошириш соҳасидаги ишлар шахс ҳуқуқларининг аниқ кафолатланганлиги ҳамда самарали ҳимояланганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

# Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарканд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**



# Босқинчиликдан қотилликкача

## жиноятларни содир этган тўда қилмишларига чек қўйилди

*Муқаддам икки маротаба судланиб, номақбул қилмиши учун жазо ўтаган 29 ёшли Бунёд Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) энди ҳалол яшаб, ҳалол пул топиш ўрнига, яна жиноятга қўл урди. Аниқроғи, ёнига бир неча шахсларни тўплаб, босқинчиликни ўзига касб қилди.*

**Лола ШОМУРАТОВА,**
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси
**Камолиддин АСҚАРОВ,**
«Нидо»

Дастлаб маҳалладоши — 1985 йилда туғилган Фурқат Нуриевни ўзига шерик қилди-ю, кўп ўтмай ўйлаган режасини амалга ошириш учун икки киши камлик қилишини англаб, 1987 йилда туғилган Расул Фармоновни ҳам гуруҳга қўшди. Жиноий режалар асосида ўзаро бирлашишгач, дастлабки "иш"ни 2009 йилнинг 5 октябрь куни, ярим тунда амалга оширдилар. Яъни ўзларига тегишли автомашина билан Юнусобод тумани ҳудудидан ўтувчи Тошкент ҳалқа йўли кўприги устида кетаётган Б.Муродов бошқарувидаги "Газ-53" юк машинасининг йўлини тўсишади. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлган ҳайдовчи ҳамроҳи С.Абдураҳимовга юзланади-да, "йўл ҳаракати қоидаларини бузмадик шекилли, нега тўхтатишди экан?", дея машинани четга олади. Ахир юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик боис, босқинчиларга дуч келиш кимнинг ҳам хаёлига келарди, дейсиз.

Хуллас, "Жигули"дан отилиб чиққан уч кимса, нима бўлаётганини англаб етмаётган ҳайдовчи билан унинг ҳамроҳига ёпишиб, кабинадан тортиб туширишади ва калтаклаб, зўрлик ишлатиш йўли билан улар бошқарувидаги юк машинасини тортиб олишади. Сўнгра, улардан бири ҳайдовчининг ўрнини эгаллайди ва босқинчилар юк машинасининг юкхонасидаги 9 бош отлар билан воқеа жойидан ғойиб бўлишади.

2009 йилнинг 19 октябрь куни ўлжа излаб уясидан чиққан бўридек кўчага отланган кимсаларга бу сафар Юнусобод туманидаги Зенит заводи ёнида кетаётган Дилмурод Валиев рўпара келади. Улар Д.Валиевни яхшигина калтаклашади. Кейин қўл телефони ва пулларини олиб, қочиб қолишади. Жиноят ботқоғига тобора ботиб бораётган йигитлар бир кун келиб, қонун ҳимоячилари қўлига тушишлари, охир-оқибатда жазога тортилишларини яхши билишса-да, бу йўлдан қайтишларига онглари ожизлик қилиб, нафслари устун келди.

Эртаси куни уларнинг тажовузидан яна бир фуқаро жабр кўрди. Ўзлари учун Юнусобод тумани ҳудудини "ов" майдонига айлантирган босқинчилар шахсий автомашинасида ўтирган У.Авазовга нисбатан зўрлик ишлатиб, 2 дона қўл телефони, машинасидаги буюмларни ва ҳатто заҳира ғилдирагини ҳам олиб, унга жами 625 минг сўмлик зарар етказишади.

Ўзгаларнинг мулкини талон-торож қилиб, ҳаром луқма ейишни одат қилган босқинчилар қасддан одам ўлдиришга ҳам қўл уришди. 2011 йилнинг 13 март куни онасидан хабар олгани Қорақамиш даҳасидаги уйга келган Александр Касьянов хонадон эшигининг очиқлигини кўриб, хавотирга тушади ва ичкарига югуради. Қай кўз билан кўрсинки, меҳмонхонанинг ўртасида онаси Лидия Гладкова жонсиз ётар, унинг юз қисми ёстиқ билан ёпиб қўйилган эди. Қотиллик содир этилганини сезган А.Касьянов шу заҳоти ички ишлар идорасига хабар беради.

Л.Гладкованинг ёлғиз яшашини билиб, олдиндан жиноий режа тузган босқинчилар 2011 йилнинг 12 март куни кечки пайт унинг уйи олдида пайдо бўлишади. Б.Жўраев кампирни ўлдириб, унинг мулкини ўғрилаш таклифини маъқуллаган Ф.Нуриев ва Р.Фармоновлар ишга киришишади. Квартиранинг қўнғироқ тугмаси босилади. Бундай пайтда қўшниларининг ташрифига ўрганиб қолган кампир хавотир олмасдан, эшикни очади. Аммо афсуски, бу сафар остонада меҳрибон қўшнилар эмас, ғараз ниятли босқинчилар туришарди. Ф.Нуриев куч билан кампирни меҳмонхонага олиб киради-да, юзига ёстиқ босади...

Марҳуманинг тилла зираги, қўл телефони, уй телефон аппарати ва яна бир нечта рўзғор жиҳозларини қўлга киритган босқинчилар, кўп ўтмай квартирани тарк этадилар.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", дейишади. Жиноятчилар қисқа вақт ичида ашёвий далиллар билан ушландилар. Тергов-суриштирув жараёнида улар барча қилмишларига иқрор бўлишди.

Жиноий тўданинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан кўриб чиқилди ва ҳукм ўқилди. Унга кўра, жиноий гуруҳ раҳбари вазифасини бажарган Б.Жўраевга 22 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Унинг ҳамтовоқларидан Ф.Нуриевга 23 йил, Р.Фармоновга эса 19 йил қамоқ жазоси белгиланди.

# «Оқ ажал» комида

*Боғотлик Хушнуд Каримов 61 ёшида учинчи марта суднинг қора курсисига ўтирди. Муқаддам гиёҳванд моддаларни кўп миқдорда сақлаш ва сотиш билан шуғуллангани учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинган бу кимса, олдинги жазоларидан тўғри хулоса чиқармай, қарилик гаштини суриш ўрнига яна жиноят содир этди. Оқибатда беш фарзанди ва қариндошлари олдида яна бир бор юзи шувут бўлди.*

**Равшанбек ФОЗИЛОВ,**
Боғот туман прокурори ёрдамчиси

Ўтган йилнинг 12 июль куни бу шахс Боғот тумани "Ҳуррият" маҳалласида яшовчи Сапарбой Маматовга 0,3 грамм "героин" гиёҳвандлик моддасини 150 минг сўмга сотаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари томонидан қўлга олинади. Унинг яшаш жойи кўздан кечирилганда, ётоқхонасидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган яна 8,48 грамм "героин" топилади. Ушбу ҳолат юзасидан Х.Каримов ва С.Маматовга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов жараёнида уларнинг қилмишлари тўлиқ фош этилди.

Дарҳақиқат, гиёҳвандликка ружу қўйган Х.Каримовнинг ўз ҳаётини барбод қилгани етмаганидек, мўмай бойлик орттириш мақсадида бошқаларнинг ҳам ширин турмушини издан чиқаришга ҳаракат қилганлиги ачинарлидир. С.Маматов эса уч фарзанднинг отаси бўла туриб, гиёҳвандлик ботқоғига ботган, тўғри йўлдан адашиб бўлган экан. У ҳам муқаддам Жиноят кодексининг бир неча моддалари ва қисмлари билан айбдор, деб топилиб, маълум муддатга озодликдан маҳрум қилинган экан. Ачинарлиси, С.Маматов ҳам Х.Каримов сингари ўталган жазодан сабоқ олиб, ҳаётини изга солиш ўрнига, иродасизлиги туфайли яна гиёҳванд моддалар истеъмол қилишда давом этди. Қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Х.Каримов ва С.Маматовлар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилишди.

Бу жиноят тафсилотларини келтиришимиздан мақсад, юртдошларимизни, айниқса, ёшларни огоҳликка ва ҳушёрликка чорлашдир. Гиёҳвандликнинг кўчасига бир бора қадам қўйсангиз, у сизни ўз домига зумда тортиб олишини унутманг. Шу боис, фарзандларимизни, яқинларимизни бу йўлга киришининг олдини олишимиз даркор.

*У эндигина ўн тўққиз ёшга кирган, Навбаҳор қишлоғидаги Иқтисодиёт коллежида ўқиган эди.*
*— Қишлоғимиздаги тўртинчи сонли мактабни битириб, коллежда ўқишни давом эттирди, — дейди Манзурахоннинг отаси (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ўзини аранг қўлга олиб. — Июнь ойида сўнгги имтиҳонларни топшириб, ўқишни битирди. Тўртинчи июль куни эрталаб коллежга дипломини олгани кетди-ю, қайтиб келмади. Кечаси милиция ходимлари қизимни биров ўлдириб қўйганини айтишди. Нега, нима учун?..*

# Тубанлик

**Акмалжон УБАЙДУЛЛАЕВ,**
Фарғона вилоят прокуратураси АМИБ катта терговчиси

Манзурахонни Рапқон-Яйпан йўналишидаги темир йўлнинг 73-километри ёнбошидан, қуриган ариқ ичидан топишди. Боши ёрилган, юзлари қон, кўйлаги йиртиб ташланган, баданлари кўкарган, жон асари йўқ эди. Экспертиза хулосасига кўра, зўрлаб, иффатига тегмоқчи бўлишган. Жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатган қизнинг кийимларини йиртиб ташлаб, юзига, бошига тош билан уриб ўлдиришган.

Олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатлари натижасида орадан икки кун ўтмай қотилликда гумон қилинган шахс қўлга олинди. Шимидаги, пойафзалидаги ювиб, бутунлай кетказа олмаган қон доғлари, ўша куни у билан кўришган одамларнинг гувоҳликлари шубҳага ўрин қолдирмади. Ушбу ўта оғир жиноятни айнан Баҳром содир этгани фош бўлгач, у айбини бўйнига олиб, кўрсатма бера бошлади.

Йигирма уч яшар йигитнинг ақл-ҳуши жойида, хатти-ҳаракатларига жавоб бера оларди. Маълум бўлишича, Баҳром ёш етим қолган. Ота-онасиз ўсган. Туғилган қишлоғи, атроф қишлоқлардаги узоқ-яқин қариндошларининг уйларида рўзғорларига қарашиб, кун кўрган. Таълим-тарбияси билан шуғулланадиган биронта меҳрибон топилмаган. Шу тариқа индамас, ичимдагини топлардан бўлиб улғайган. Ота-она, ака-ука меҳридан мосуво, дилида теварак-атрофдаги одамларга нисбатан қаҳр уруғлари ниш уриб, илдиз отаверган. Сиртида ювош, оёқ-қўли чаққон, ҳар қандай юмушга тайёр кўринса-да, ичида ёвуз ҳис-туйғулар яширинганлигини ҳеч ким сезмаган.

Дастлабки терговда бундан икки йил аввал ҳам айнан шунга ўхшаш воқеа юз бергани аниқланди. "2009 йил 13 май куни Фурқат тумани, Сурпа қишлоғидаги коллеждан қайтаётгандим," деди жабрланувчи С.Саминова. "Чек-кўприк қишлоғи ҳудудидан ўтган темир йўл бўйида синфдошларимни кутаётганимда, шу қишлоқлик бир йигит тўсатдан билакларимга ёпишди. Темир йўлдан пастдаги сувсиз ариқ ичига судради. Юлқиниб, чиқишга ҳаракат қилганимда, юз-кўзларимга аямай муштлаб урди. Айтганимни қилмасанг, ўлдираман, деб қўрқитди. Кўйлагимни ечишга уринди. Юзини тимдалаб, кучимни борича қаршилик кўрсатдим. Ёрдамга чақирдим..."

"Синфдош қизлар билан темир йўл бўйлаб келаётгандик," деди гувоҳ Ф.Салимов. "Қизлар бақир-чақир қилиб юборишди. Қарасам, ариқ ичида оқ-сариқдан келган йигит биздан бир синф юқорида ўқиган таниш қизни зўрламоқчи бўляпти. Нима қиляпсан, ифлос, десам, дала ичига қочди. Қувиб етолмадим." С.Саминованинг жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатгани, уни танийдиган йигит-қизларнинг келиб қолгани туфайли ўшанда Баҳром ёвуз ниятини охирига етказа олмаган, бокира қизнинг иффатини поймол қила олмаган эди. Шу боис, қолаверса, қизнинг шаънини булғовчи бўлмағур миш-мишлар тарқалмаслигини ўйлаб, С.Саминованинг ота-онаси арз қилишига йўл қўйишмади. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверди.

Қўшни қишлоқлик қизнинг фожиали ўлимини эшитган С.Саминова, унинг тенгдошлари, икки йил аввалги воқеа гувоҳлари индамай тура олишмади. Б.Сатимовнинг тажовузкорлиги ҳақида батафсил сўзлаб беришди. Дастлабки терговдаги каби, суд мажлисида ҳам судланувчи икки йил аввал, май ойида нотаниш қизни зўрламоқчи бўлгани, бироқ ёвуз ниятини охирига етказа олмаганини тан олди. Сўнгра Манзурахонни қандай зўрламоқчи бўлганини бир бошдан айтиб берди.

Б.Сатимов сўнгги пайтларда Навбаҳор қишлоғидаги қариндошларидан бирига қарашли сув дўконида ҳар хил юмушларга қарашиб турган. Ўша куни, яъни 2012 йилнинг 4 июлида дўкон эгаси Баҳромга Жангкетмон қишлоғидаги Омина холасининг уйига бориб, терак ташишга ёрдамлашиб юборишни тайинлайди. Кундузги соат 12:00 ларда у темир йўл бўйлаб, холасининг уйига йўл олади. Икки соатча юриб, дам олгани рельсга ўтиради. Пастда, дала четида трактор турар, атрофда ҳеч зоғ йўқ эди. Шу пайт темир йўл изидан келаётган қиз эътиборини тортди. У атрофга аланглади. Халақит берадиган ҳеч ким йўқ. У ўрнидан туриб, қизга пешвоз чиқди. Э йўқ, бе йўқ, шартта билагидан ушлаб, темир йўл ёқасидаги шағаллар устидан пастга, дала четидаги ариққа судраб туширди. "Тегма, қўйиб юбор, ёрдам беринг!", дея додлаб, юлқиниб чиқишга уринган қизни уриб йиқитди. "Овозингни ўчир!" дея қўлига илинган тош билан юзига, бошига урди. Боши, юзи қонга беланиб, хириллаётган ожизанинг кўйлакларини йиртиб ечинтирди. Номусини булғади... У кетаётганида қиз ҳали тирик эди.

Ҳеч гап бўлмагандай, йўлида давом этди. Учраган танишларига гап талашган иккитаси билан муштлашдим, устимга қон сачради, дея изоҳ берди. Чек-кўприк қишлоғида, сойда қон сачраган кўйлагини ювди. Кеч кириб қолган эди. Жангкетмон қишлоғига борди-ю, холасининг уйига кирмай, Барҳаёт аканинг янги қурилаётган уйида тунади. Эрталаб Омина холанинг уйига кириб борди. Унга ҳам йўлда икки безори билан муштлашдим, дея баҳона қилди. Шимини ювди, бироқ қон юқини бутунлай кетказа олмади...

Суд мажлисида Б.Сатимовнинг айби ўзининг иқрорлигидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, бошқа далиллар билан ҳам исботланди. Зўравон қотил узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Агар икки йил аввал С.Саминова ва уни зўравондан қутқариб қолган танишлари "етимча экан" дея раҳмдиллик қилмасдан тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этганларида, жиноятчи жазога тортилганида, эҳтимол кейинги фожиа юз бермасди.

# Тил билган — эл билар...

*Яқинда компьютер ва техник жиҳозлар билан савдо қилувчи дўконга кирдим. Ўзимга керакли буюмнинг нархи билан қизиқиб турганимда, ортимдан икки киши кириб келди. Аввалига уларга эътибор қилмадим, аммо улар инглиз тилида сўзлашаётгани сабаб, беихтиёр нигоҳларим ўша томон юзланди. Улардан бири 40 ёшлар чамасидаги хориж фуқароси, иккинчиси 15-16 ёшлар атрофидаги ўзбек йигити. Иккалови чамаси, фотоаппарат учун нимадир харид қилишмоқчи, йигитча унга алланималарни тушунтирарди.*

Шу пайт ёшгина сотувчи йигит уларга яқинлашди ва инглиз тилида савол-жавоб қила бошлади. Очиғи, буни кутмагандим. Сотувчи йигитнинг инглиз тилида бийрон гапираётгани хорижлик кишига ҳам маъқул келди чоғи, кўзлари чақнаб кетганини кўриб, мен ҳам беихтиёр ғурурланиб қўйдим: "Бизнинг ёшлар ана шунақа!"

Улар 10 дақиқача савдолашишгач, нарх ҳар икки томонга ҳам маъқул келди чоғи, хорижлик ўша буюмни сотиб олди. Сотувчи йигит уларни кузатиб қайтаркан, шерикларига мамнунлик ила гап ташлади:

— "Эрталабдан буён кузатаман, сен тенги ёшлар инглиз тилида яхши гаплашяпти. Наманганга келаётганда фақат таржимон билан юрсам керак, деб ўйлагандим. Кўп ҳолларда таржимонга зарурат ҳам бўлмаяпти", дейди. Мен ҳам Ўзбекистон ёшлари анойи эмаслигини би-ир кўрсатиб қўйдим-да!

— Мен ҳам тил ўрганишни давом эттирсам бўларкан, — унга қўшилди мен сингари шеригига ҳавас билан қараб турган бошқа бир сотувчи йигит. — Деярли барча гапларингни тушуниб турдим. Фақат... менда дадиллик етишмадими... Суҳбатларинга қўшилиб кетолмадим. Айтганча, гап орасида Наманган Тошкентдан чиройли экан, дедими?

— Наманган ҳам Тошкентдан қолишмайдиган шаҳар экан, деди. Айниқса, унга меҳмоннавозлигимиз ёқибди. Хайрлашаётганда уни уйга меҳмонга таклиф қилдим.

Инглиз тилида бурро сўзлашган йигитга ҳавас қилганча дўкондан чиқар эканман, ёшларимизнинг кун сайин дунё билан бўйлаша оладиган билим эгаси бўлиб бораётганидан кўнглим фахр-ифтихорга лиммо-лим тўлди. Уйга кела солиб астойдил инглиз тилини ўрганаётган фарзандларимга ибрат тариқасида шу воқеани айтиб бердим.

Дарвоқе, давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда жаҳон мамлакатлари, хусусан, ривожланган Европа давлатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик олиб бораётганлиги ёшларимизда чет тилларни янада чуқурроқ ўрганиш заруриятини келтириб чиқарди.

Президентимизнинг "Чет тилларини ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда амал қилинаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда чет тилларини ўрганишни янада такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Қарорда таъкидланганидек, кейинги йилларда республикамизда хорижий тилда замонавий фикрлай оладиган ўқимишли ёшлар сони ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида Наманганда бўлиб ўтган "Ҳиндистон ярмаркаси"да ҳам кўплаб ёшларимиз вилоятимизга ташриф буюрган меҳмонлар билан ҳинд, инглиз тилларида бемалол гаплашаётгани, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳақида тўлиб-тошиб гапираётганини кузатиб, кўнглим осмон қадар кўтарилганди.

Бу ютуқларимиз бундан-да юксалиши, энг аввало, чет тили ўқитувчилари сони ва сифатига ҳам боғлиқ эканини унутмаслик даркор. Шу мақсадда республикамизда мустақиллик йилларида 58 мингга яқин инглиз, немис ва француз тили ўқитувчилари тайёрланди. Улар томонидан умумтаълим мактаблари, коллеж ва академик лицейлар учун кўплаб электрон дарсликлар яратилди. Хусусан, олий таълим тизимида чет тилларини ўқитишнинг яхшиланганлиги шунда кўринадики, талаба-ёшлар турли грантлар асосида катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Қарорда эришилган ютуқларни янада бойитиш ва жаҳон коммуникация тизимига чиқиш учун ўқув дастурлари ва дарсликларни замон талабига жавоб бера оладиган тарзда қайта кўриб чиқиш, чет тили таълимини анъанавий усулларда олиб боришга барҳам бериш, илғор педагогик технологиялар асосида дарслар ташкил этиш, ўқитиш узлуксизлигини таъминлаш ва хорижий тил ўқитувчиларини замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш кераклиги таъкидланган. Бу каби вазифаларни ҳал қилиш Қарорнинг 11-бандида аниқ кўрсатиб ўтилганлиги республикамизда ёшларга ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Жаҳон коммуникация тизимида ҳозирги кунда инглиз тилининг мавқеи ҳар қачонгидан ортиб кетганлиги ҳаммамизга маълум. Олмония ёшлари ўз она тилини пухта билган ҳолда инглиз ва француз тилларини мукаммал ўзлаштиришга эришганлар. Умуман олганда, Европа халқлари инглиз, немис ва француз тилларида бемалол мулоқот қила оладилар.

Қарорнинг изчил амалга оширилиши республикамизда "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тўлақонли амалга оширилишига яна бир туртки бериши билан бирга, яна янги ва кенг қамровли имкониятларни юзага чиқаради.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш ўринлики, Ўзбекистон ёшлари чет тилларни ўзлаштириш борасида қўшни давлатларга нисбатан ҳам юқори интеллектга эга. Бу жаҳон цивилизацияси ютуқларидан бемалол фойдаланиш, дунё ахборот ресурсларидан янада тўлиқ ва мукаммал хабардор бўлиш, халқаро ҳамкорлик мулоқотини эркин амалга ошириш борасидаги имкониятларни ҳаракатга келтиради.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг мазкур қарори бутун бир халқимизда тилларни ўрганишга катта рағбат уйғотади. Тилларни ўрганиш эса элларни ўрганиш, турли элату миллатлар билан ўзаро ҳурмат ва тотувликда ҳамкорлик қилиш, тинчлик-барқарорликни таъминлаш имконидир. Бежизга, "Тил билган — эл билар", дейишмайди ахир!

**Нилуфар НИЁЗОВА,**
«Ниqиq»

***БМТ таркибига кирувчи Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан тайёрланган маърузада келтирилишича, 2013 йилда бутун дунёда ишсизлар сони рекорд даражага кўтарилади. ХМТнинг тахминига кўра, жорий йилда дунё бўйича ишсизлар сони 5 миллиондан 202 миллионгача етади.***

## Ишсизликнинг рекорд даражаси

Иқтисодий инқироз бошланган 2007 йилда бутун дунёда ишсизлар сони 28 миллионга етган бўлса, 2012 йилнинг охирига келиб, бу кўрсаткич 197 миллионни ташкил этди. Ишсизлик даражасининг энг юқори кўрсаткичи 2009 йилга тўғри келади. Гарчи 2010 йилдан ишсизлар сони бир мунча қисқарган бўлса-да, 2012 йил бошидан бу рақам яна ўса бошлади. ХМТ берган маълумотга кўра, 2014 йилда ишсизлар сони 3 миллионга ошиши, 2017 йилга бориб эса 210,6 миллион кишига етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Ишсизлик даражаси ер куррасидаги ишга яроқли қатламнинг 6 фоизини ташкил этади. ХМТ маърузачилари 24 ёшдан кичик бўлганларни аҳолининг ҳимоясиз қатлами сифатида эътироф этишмоқда. Бундан ташқари, янги иш топиш фикридан қайтаётганлар сони ҳам борган сари ортиб бормоқда. Маълумотларда келтирилишича, 2012 йилда иш билан таъминлаш хизматидан 39 миллион киши ўз ҳужжатларини қайтариб олган. Мана, бир йилдан ошиқроқ вақт ўтса-да, ривожланган давлатлардаги ишсизларнинг ҳар учдан бири доимий ишга эга эмас.

Россияда ҳам 2008-2009 йилларда ишсизлар сони ортгани кузатилди. Аммо, кейинчалик бу кўрсаткич бир оз қисқарган. Кўрсаткичларга кўра, Россияда 2012 йилда ишсизлик ҳолати энг кам фоизни ташкил қилди. Мамлакатда ишсизлар сони ишга лаёқатли аҳолининг 5,3 фоизини ташкил этди. "РИА Новости"нинг берган маълумотига кўра, бу кўрсаткич 2015 йилга қадар сақланиб туради.

## Обама иккинчи бор қасамёд қилди



*21 январь тонггида Вашингтондаги Миллий аллея ҳудудида АҚШнинг 44-президенти Барак Обаманинг иккинчи бор тантанали қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда 900 минг нафар америкалик иштирок этди (4 йил аввал, яъни 2009 йил Обама илк бор президент этиб сайланганида қасамёдга бундан икки баравар кўп аҳоли қатнашган эди).*

Маросим давомида Барак Обама 20 дақиқалик нутқ сўзлаб, унда мамлакат ҳаётига оид кўплаб муҳим масалаларга тўхталиб ўтди. Ўз нутқида президент аёллар тенг ҳуқуқлилигининг таъминланишига ваъда берди. Шунингдек, АҚШга муҳожирларни қабул қилиш тизимини яхшилаш масаласини кўриб чиқишни таъкидлади.

Обама иқлим ўзгариши муаммосини алоҳида тилга олиб, йиғилганларни ушбу "таҳдид"га эътибор бермаслик, аксинча барча диққат- эътиборни фарзандлар ва келажак авлод тақдирига қаратиш лозимлигига чақирди. Президент ушбу муаммони ҳал қилиш учун Америка "барқарор энергетикага ўтиши", келажакда мамлакатда янги соҳалар ва янги саноат тармоқлари манбаи сифатида хизмат қилувчи технологияларни бошқа давлатларга бой бериб қўймаслик кераклиги ҳақида сўзлади. Шунингдек, давлат раҳбари ислоҳотлар ўтказишда "янги ғоя ва технологиялардан унумли фойдаланиш" ўта муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади. "Биз ҳукуматни ўзгартириш, Солиқ кодексини ислоҳ этиш, мактабларни яхшилаш ҳамда билим ва малакага эга фуқароларимизнинг жиддийроқ ишлашлари ва янада юқори чўққиларга эришишларига имконият яратиш учун янги ғоя ва технологиялардан унумли фойдаланишимиз лозим", - деди президент. Бундан ташқари, Обама Америка аҳолисини мамлакатдаги мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилишга чақирди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШда президент сайлови 2012 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган эди. Сайловда Обама асосий рақиби, республикачи Митт Ромни устидан ғалаба қозониб, иккинчи бор мамлакат президенти этиб сайланди.

## «Папарацци қироли» қидирувда

***"BBC News"нинг 21 январь куни тарқатган хабарига кўра, Италия ҳукумати "Папарацци қироли" сифатида танилган машҳур италиялик фотограф Фабрицио Коронани қўлга олиш учун Европа ордерини берди.***

Корона 18 январь куни шантаж қилишда айбланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган эди. Аммо фотограф суддан сўнг яширинишга муваффақ бўлган.

Корона Аргентинанинг "Ривер Плейт" клуби сардори футболчи Давид Трезигеднинг яширинча олинган суратларини оммага тарқатмаслик учун пул талаб қилган. Фотографнинг ўзи футболчига шунчаки суратларни сотиб олишни таклиф қилганини, қолаверса, у суратлари учун одатдаги журналларга сотиладиган нархда пул сўраганлигини айтиб, айбини тан олмаган. Шантажга сабаб бўлган фотосуратларда нима акс эттирилганлиги эса сирлигича қолган.

Италия қонунчилигига кўра, Фабрицио Коронанинг қочиб кетганлиги сабабли унинг 5 йиллик қамоқ жазосига яна 2 йил-у 9 ой қўшиб берилади. Буни қарангки, шантаж қилганлиги учун Фабрицио 2009 йилда ҳам судланиб, 3 йил-у 8 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинган экан. Ўша пайтда Коронанинг шантажи "қурбон"лари Италия Бош вазири Сильвио Берлусконининг қизи, "Интер" клуби футболчилари ва бир қанча актёр ва сиёсатчилар бўлган. Булардан кўринадики, Фабрицио "шантаж қироли" номига шунчаки эга бўлмаган.

## Филиппин Хитой билан судлашмоқчи

"Associated Press" ахборот агентлигининг тарқатган хабарига кўра, Филиппин ҳукумати Хитой Халқ Республикасининг Жанубий Хитой денгизидаги можароли ҳудуд масаласини кўриб чиқишга қарор қилди. 22 январь куни мамлакат Ташқи ишлар вазири Альберт дель Росарио шу мазмундаги ариза билан судга мурожаат қилди. "GMA News" хабарига кўра, шу куннинг ўзидаёқ Филиппин Ташқи ишлар вазирлиги Хитой элчиси Ма Кэцинни Халқаро арбитраж судига киритилаётган мурожаат ҳақида хабардор қилди.

Росарионинг сўзларига кўра, Филиппин ҳукумати масалани ижобий ҳал қилиш бўйича барча сиёсий ва дипломатик имкониятлардан етарлича фойдаланиб бўлган. Энди мамлакат бу муаммони БМТ арбитражи - Халқаро ҳамжамият ҳал қилиб беришидан умид қилмоқда. Мазкур масала бўйича Филиппин томонидан мамлакат бош прокурори Франсис Харделеса иштирок этади.

Дарвоқе, Манила судда Пекин билан нафақат баҳсли ҳудуд масаласини ҳал қилмоқчи, шу билан бирга, Филиппин ҳукумати томонидан бузилган деб ҳисобланаётган БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциясида кўриб чиқилган ҳуқуқларини тиклаш ва мазкур ҳудудда Хитойнинг "ноқонуний фаолияти"га чек қўйилишини ҳам талаб қилмоқда.

Хитой ва Филиппин ўртасидаги баҳсли мунозаранинг асосий сабабчиси Скарборо ороли ва нефть-газга бой деб ҳисобланган Спратли архипелаги бўлмоқда. Маълум бўлишича, Жанубий Хитой денгизи ҳудудларига Тайван, Бруней, Малайзия ва Вьетнам каби бошқа давлатлар ҳам кўз тиккан.

**Баргида МЎМИНЖОНОВА** тайёрлади

ASAKA BANK

# Ҳурматли юртдошлар!

# «АСАКА» банки (ОАЖ)

## миллий валютадаги қуйидаги муддатли омонат турини таклиф этади

**«ЯНГИ ЙИЛ 2013»**

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

*Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.*

*Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.*

**Сизнинг омонатларингиз:**

- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;**
- **миқдори чекланмаган.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

*Хизматлар лицензияланган*


## Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши бўйича танлов эълон қилади

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1743-сонли Қарорининг 2-иловасига ва Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг 2012 йил 23 октябрда 02-02-8-36-сон билан рўйхатга олинган Баённомаси мувофиқ, қурилиши тугалланмаган, фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

| № | Объект номи | Жойлашган манзили | Балансда сақловчи | Танлов шартлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Минимал инвестиция миқдори (млн. сўм) | Бажарилиш муддати | Яратиладиган янги иш ўринлари |
| 1 | Бўш турган савдо маркази (супермаркет) | Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Примкулова кўчаси | Ҳокимият | 1 000,0 | 3 йил | 15 |
| 2 | Жанубий конбошқарманинг 1-сонли автоколоннаси | Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани | НКМК | 500,0 | 2 йил | 20 |

**Танлов ўтказиш куни — 2013 йил 1 апрель.**
**Танлов ўтказиш жойи** — Тошкент вилояти ҳокимияти биносида.
**Манзил** — Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй.

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятини бажариш учун актив ва пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — Низом, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, охирги ҳисобот даври (чорак, йил)даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор хулосаси (агар аудиторлик текшируви ўтказилган бўлса) нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги муҳрланган конвертларга солинган танлов таклифлари:

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган миқдори, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги;

хомашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара;

сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссиясига — Тошкент вилояти ҳокимлиги ёки Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзил** — 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18 А- уй. Телефонлар: 241-71-99, факс: 241-55-82

**Белгиланган танлов кунида объектлар сотилмаган тақдирда танлов навбатдаги ҳар ойнинг биринчи ва учинчи душанба кунлари бўлиб ўтади.**

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!** Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг **(8-371) 259-21-37 ишонч телефон рақамига** ва hususiylashtirish@mail.ru электрон почта манзилига хабар қилишингиз ёки Тошкент вилояти ҳокимлигининг **(8-371) 236-27-70 телефон рақамларига** қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

**ТУЗАТИШ**

*«Ниҳиқ» газетасининг 2012 йил 8 ноябрдаги 45(826)-сонининг 11-бетидаги "Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши бўйича танлов эълон қилади" сарлавҳаси остида чоп этилган реклама эълонидаги "Манзил — 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 259-22-48, факс: 239-83-90" сўзлари ва телефон рақамлари "Манзил — 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18А-уй. Телефонлар: 241-71-99, факс: 241-55-82" сўзлари ва телефон рақамларига, "Белгиланган танлов кунида объектлар сотилмаган тақдирда танлов ҳафтанинг ҳар душанба куни бўлиб ўтади" сўзлари "Белгиланган танлов кунида объектлар сотилмаган тақдирда танлов навбатдаги ҳар ойнинг биринчи ва учинчи душанба кунлари бўлиб ўтади" сўзларига ҳамда "Давлат мулки қўмитаси" сўзлари "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси" сўзларига ўзгартирилиб ўқилсин.*

# МДҲ Кубоги-2013: ёшларимиз иштироки ҳақида

*Хабарингиз бор, ёзда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Туркияда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этади. Кичик мундиалда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги ўзбекистонлик ёш футболчилар учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубогида иштирок этиш ўзига хос жиддий тайёргарлик вазифасини ўтаб беради.*
*18 январдан старт олган МДҲ Кубоги - 2013даги иштирокини анчагина жиддий рақибга қарши бошлаган ёшларимиз майдон эгалари билан муроса кўчасини танлашди.*









Аҳмаджон Мусаев шогирдлари "В" гуруҳи 1-тур учрашувида мусобақа мезбони — Россия ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Тенг курашлар остида кечган Россия ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ўртасидаги баҳс 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунига етди. Қайд этиш жоиз, ўзбекистонлик ёш футболчилар россиялик тенгдошларидан ҳеч бир жабҳада кам эмасликларини, кучли рақибларга қарши муносиб ўйин кўрсата олишларини, шунингдек, иродали жамоа эканликларини яна бир бор намойиш эта олишди.

Учрашувда ҳисоб ёш футболчиларимиз томонидан очилди, гол муаллифи жамоамиз сардори Владимир Козак. Бироқ кўп ўтмай вакилларимиз, аниқроғи, Бобурбек Йўлдошев кутилмаганда ўз дарвозасига тўп киритилишига сабабчи бўлди. Учрашувнинг ярим соати ортда қолаётган бир вазиятда эса, ҳакам Асилбек Омонов қўриқлаётган дарвоза томон пенальти белгилади. 11 метрлик жарима зарбасини Россия терма жамоасининг марказий ярим ҳимоячиси Эмин Маҳмудов аниқ амалга ошириб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Шундан сўнг Аҳмаджон Мусаев шогирдлари биринчи бўлимнинг ўзидаёқ ҳисобни тенглаштириб олишга зўр беришди. Бу ҳаракатлар бемасар кетмай, бўлим якунланишига 6 дақиқа қолганида терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Жамшид Искандеров ажойиб зарбаси билан рақиб посбонини ожиз қолдирди.

Биринчи бўлим шу ҳисоб билан якунига етди. Иккинчи бўлимда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари янада ишончлироқ ва чиройлироқ ўйин намойиш этишди. Ташаббус ҳам бизнинг футболчилар тарафида бўлди. Аммо ўйин сўнггига қадар ҳисоб ўзгармай қолди.

Аслини олганда, ёшларимизнинг мусобақа фаворити дея эътироф этилаётган майдон эгалари билан бўлган ўйинда дуранг қайд этгани катта натижадек туюлиши мумкин. Бироқ ўйинни томоша қилганлар бундай фикрдан йироқ. Чунки Аҳмад Мусаев шогирдлари мезбон футболчиларга қараганда мазмунлироқ ўйин кўрсатишди.

***МДҲ Кубоги — 2013:***
**РОССИЯ — ЎЗБЕКИСТОН 2:2 (2:2)**

**ГОЛЛАР:** Владимир Козак (10), Бочаров (11), Маҳмудов (30, пенальти), Искандеров (39).

20 январь куни Санкт-Петербургда давом этаётган МДҲ Кубоги-2013 "В" гуруҳи 2-тур ўйинлари старт олди. Шу куни ёшларимиз Қозоғистон ёшлар терма жамоасига қарши баҳс олиб боришди.

Ўйин давомида ҳар иккала жамоада ҳам гол уриш учун етарлича имкониятлар бўлди. Айниқса, Аҳмаджон Мусаевнинг шогирдлари комбинацион ўйинлари билан рақиб дарвоза олдида кўпроқ хавфли вазиятларни юзага келтиришди. Рақиблар эса асосан қарши ҳужумлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишди.

Учрашув тақдирини ҳал қилган ягона гол ўйин якунланишига 20 дақиқадан камроқ вақт қолганида киритилди. Қозоғистонлик футболчилар жарима майдони яқинида рақиб ҳимоячилари қуршовида қолган Темур Ҳакимовга ёрдамга келган Жамшид Искандеров тўпни эгаллаб олади. Шундан сўнг терма жамоамиз ярим ҳимоячиси ўз дриблингини ишга солиб, кетма-кет ҳимоячиларни алдаб ўтиб, дарвоза томон зарба берди ва жамоасига ғалаба келтирувчи голга муаллифлик қилди. Шу билан қаноатланишни истамаган вакилларимиз ҳисобни ошириш учун бир нечта имкониятларга эга бўлишди. Аммо ўйин охирига қадар мана шу ҳисоб ўзгармади.

**ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН 1:0 (0:0)**

**ГОЛ:** Жамшид Искандеров (71).

Орадан бир кун ўтиб, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари гуруҳ баҳсларининг сўнгги учрашувида қирғизистонлик ёшларга қарши майдонга чиқишди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бунгача вакилларимиз кейинги босқич масаласини амалда ҳал этиб бўлганликлари сабабли Аҳмаджон Мусаев асосий таркиб футболчиларига дам олишлари учун имконият яратиб, захирадагиларни синовдан ўтказиб кўришни маъқул топди.

Аксинча, рақиб асосий эътиборини ушбу учрашувга қаратган эди. Чунки қирғизистонлик футболчиларни фақат ва фақат ғалабагина плей-оффга олиб чиқиши мумкин эди. Шу сабаб улар ёшларимизга қарши кечган ўйинда икки карра куч билан ҳаракат қилишди.

Учрашувнинг 25-дақиқасида ҳисоб Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ярим ҳимоячиси Ихтиёр Тошпўлатов томонидан очилди. Бироқ биринчи бўлим якунланишига тўрт дақиқа қолганида рақиблар ҳисобни тенглаштиришни уддалашди.

Иккинчи бўлимнинг 12 дақиқасида энди Қирғизистон ёшлар терма жамоаси ҳисобда олдинга чиқиб олди. Ўйиннинг 71-дақиқасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг иқтидорли ҳужумчиларидан бири Темур Ҳакимов ниҳоят мусобақадаги ўзининг дастлабки голини уришга муваффақ бўлди. У киритган гол учрашувдаги сўнггиси бўлди.

**ҚИРҒИЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН 2:2 (1:1)**

**ГОЛЛАР:** Кичин (41), Шарипов (57) — Ихтиёр Тошпўлатов (25), Темур Ҳакимов (71).

Гуруҳ баҳсларини муваффақиятли якунлаган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Россия ва Қозоғистон терма жамоалари билан бирга чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Қуйида жадвал билан танишишингиз мумкин.

**МДҲ КУБОГИ — 2013**

| № | "В" гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Россия | 3 | 1 | 2 | 0 | 9-5 | 5 |
| 2 | **ЎЗБЕКИСТОН** | **3** | **1** | **2** | **0** | **5-4** | **5** |
| 3 | Қозоғистон | 3 | 1 | 0 | 2 | 6-9 | 3 |
| 4 | Қирғизистон | 3 | 0 | 2 | 1 | 3-5 | 2 |

Гуруҳ баҳсларидан кейин шундай хулосага келиш мумкин, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақада бемалол ғолиб чиқса бўлади. Фақат бунинг учун иштиёқни сусайтирмай, бор куч ва ғайратлари билан ҳаракат қилишлари керак.

Гап ёшларимизнинг бу мусобақада ғолиб чиқиш-чиқмаслигида эмас. МДҲ Кубоги-2013 Аҳмаджон Мусаевнинг шогирдларига ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик вазифасини ўтаб беради, дейишимиз мумкин. Мана шундай мусобақалар ёшларимизнинг кичик мундиал бошлангунга бир жамоа бўлиб шаклланишига ижобий таъсир этади. Бундан ташқари, МДҲ кубогидаги муваффақиятли иштирок ёш футболчиларимизнинг иштиёқига иштиёқ, ғайратига ғайрат қўшишига ишончимиз комил.

Мусобақа регламентига кўра, жамоаларнинг натижалари асосида чорак финалда қайси жамоа билан рўбарў келиши аниқланади. Буни қарангки, "В" гуруҳининг 1-турида ўзаро кураш олиб борган Россия ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари яна бир бор тўқнаш келди. Табиийки, чорак финалнинг марказий учрашуви мезбон ва ёшларимиз ўртасидаги ўйин бўлди.

**Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зафар Иргашевга падари бузруквори
**Эркин ИРГАШЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**Huquq**
yuridik gazeta

**Muassis:**
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**
***Jahongir MAKSUMOV***

**Tahrir hay'ati:**
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*
Shavkat YODGOROV *(mas'ul kotib)*

**Tahririyat manzili:**
**Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**
**Telefon:** 233-98-40, 233-10-53
**Faks:** 233-10-53, 233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[t] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
**231**

Buyurtma **j-6260. 48 961** nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **G`.ALIMOV**
Musahhih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O`.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda **0188**-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617